




ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ОНКОЛОГИК ГИНЕКОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЛИНИК–МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Джуманиязова Ирода Бакбергановна – Урганч давлат тиббиёт институти “Физиология ва патологик физиология” кафедраси ассистенти

Orcid raqami: 0009-0007-2448-730X
djumaniyazova.iroda@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Оролбўйи минтақасида яшовчи 125 нафар тухумдон ўсмалари билан оғриган беморларнинг маълумотлари таҳлил қилинди. Беморларнинг ёш гуруҳлари, ҳудудий тарқалиши, патоморфологик таъхислари ва биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди. Таҳлил натижасида лейомиома ва эндометриал карцинома энг кўп учрайдиган патологиялар экани, биокимёвий кўрсаткичларда эса ALT/ASTнинг кўтарилгани, жарроҳлик амалиётларида эса экстирпация ва миомэктомия устун экани аниқланди. Олинган натижалар экологик хавф омиллари ва морфологик ўзгаришлар ўртасида боғлиқлик бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Оролбўйи, гинекологик ўсмалар, онкология, морфология, эндометриал карцинома, лейомиома, мезенхимал ўсмалар, эпидемиология, биокимё, ALT, AST.

Аннотация. В статье представлены результаты анализа данных 125 пациенток с гинекологическими онкологическими заболеваниями Приаралья. Изучены возрастные показатели, территориальное распределение, патоморфологические особенности опухолей и биохимические параметры крови. Установлено преобладание лейомиомы и эндометриальной карциномы. Отмечены повышенные показатели ALT/AST, а также частое применение радикальных оперативных вмешательств (экстирпация, миомэктомия). Полученные данные могут свидетельствовать о возможной связи экологических факторов с морфологическими изменениями.

Ключевые слова: Приаралье, гинекологические опухоли, онкология, морфология, эндометриальная карцинома, лейомиома, мезенхимальные опухоли, эпидемиология, биохимия, ALT, AST.

Annotation. This article analyzes data from 125 gynecologic oncology patients in the Aral Sea region. Age distribution, territorial epidemiology, morphological tumor characteristics, and biochemical parameters were evaluated. The findings revealed that leiomyoma and endometrial carcinoma were the most common tumor types. Elevated ALT/AST levels and the predominance of radical surgical interventions such as hysterectomy and myomectomy were noted. The results suggest possible associations between environmental risk factors and morphological changes.

Keywords: Aral Sea region, gynecologic tumors, oncology, morphology, endometrial carcinoma, leiomyoma, mesenchymal tumors, epidemiology, biochemistry, ALT, AST.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Мавзунинг долзарблиги. Оролбўйи минтақаси экологик нокулай ҳудуд ҳисобланиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар юқори. Атроф муҳитдаги токсик агентлар, оғир металллар тузлари, радионуклидлар ва чанг концентрациясининг ортиши онкологик касалликлар, хусусан, гинекологик ўсмаларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Гинекологик онкопатологиялар орасида эндометрий, тухумдон, бачадон танаси ва мезенхимал (саркома, лейомиома, миксома ва бошқалар) ўсмаларнинг морфологик тузилиши ва патогенези ҳудуднинг экологик шароитлари билан яқин боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боис бундай беморларнинг клиник, лаборатор ва морфологик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш илмий ва амалиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади. Оролбўйи минтақасидаги гинекологик онкологик беморлар маълумотлари асосида касалликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва морфологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот масадини амалга ошириш учун қуйидаги материал ва усуллардан фойдаланилди. Материал қилиб Республика онкология ва радиология илмий амалий маркази Хоразм филиалида 2021 -2024 йиллар давомида тухумдон ўсмалари диагнози билан даволанишда бўлган 125 нафар бемор маълумотлари олинди ва улар қуйидаги параметрлар бўйича таҳлил қилинди:

- ёш гуруҳлари;
- ҳудуд (туманлар кесимида);
- патоморфологик ташҳис;
- биокимёвий кўрсаткичлар (ALT, AST, мочевина, креатинин ва бошқа);
- дисплазия даражалари;
- ўтказилган операция тури;
- ирсият.

Бу параметрлар клиник текширувлар, патогистологик тадқиқотлар, қон таҳлиллари ўтказиш, статистик таҳлил орқали амалга оширилди.

Маълумотлар Microsoft Excel жадвали орқали йиғилди, таҳлил дескриптив статистика усулларида бажарилди.

Ўтказилган тадқиқотлар бўйича олинган натижалар. Беморларни ёш гуруҳларига ажратиш ЖССТ қабул қилган тасниф бўйича амалга оширилди, қуйидаги жадвалда бу аксини топган (жадвал 1).

Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши

Жадвал 1.

N	Ёш гуруҳи	Беморлар сони
1	18–44	21
2	45–59	56
3	60–74	42
4	75–90	6

Жадвалдан кўриниб турганидек ўртава қариликнинг дастлабки давридаги аёллар орасида тухумдон ўсмаларининг учраши анча кўп, бу ҳолат менопаузадан кейин аёлларда гормонал бузилиш кузатилиши ҳолатларининг кўп учраши билан изоҳланиши мумкин. Қарилик ёшидаги аёлларда кам учрашининг сабаблари кам миқдордаги аёлларнинг бу ёшгача яшаб қолиши билан изоҳланади.

Даволанишда бўлган беморларнинг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, касалланиш ҳолатлари Урганч, Хива туманларида 16 % ни (20 нафар бемордан), Урганч шаҳрида 12% ни (15 нафар бемор), ташкил қилган бўлса, бошқа туманларда бу кўрсаткич 0,8 % - 9,6 % гача кузатилган (жадвал 2).



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 4-SON. 2025
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ёш гурухлари кесимида ҳудудлар бўйича ўсmalarнинг учраш ҳолатлари тахлили шуни кўрсатдики 18-44 ёш гурухида етакчилик Урганч туманига тўғри келиб жами бу ёшдаги 21 нафар беморларнинг 7 нафарини ташкил қилди 33,3 %.

45-59 -ёш гурухидаги 56 нафар беморларнинг 9 нафари Хива тумани (16 %), 8 нафари Урганч тумани (14,3 %), 7 нафари Боғот тумани (12,5 %), 6 нафари Урганч шаҳри (10,7 %) аёллари хиссасига тўғри келди.

60-74 ёш гурухидаги аёллар орасидаги касалланиш ҳолатлари Урганч шаҳри ва Хива туманлари аёллари орасида учраб 8 тадан ҳолатни ташкил қилди, ҳамда бу ёш гурухидаги барча 42 та ҳолатнинг 38,1% ни ташкил қилди. Хазорасп , Кўшкўпир туманларида 5 та дан ҳолат қайд қилинган бўлса (23,8%), Янгиариқ туманида 4 та ҳолат қайд қилинган (9,5%). Қолган туманларда 2,3 % дан 7,1 % гача учраш ҳолатлари кузатилди.

75-90 ёш гурухидаги аёллар орасида тухумдон ўсmalar 6 та ҳолатда файд қилинган бўлса, бу фақатгина 5 та ҳудудда кузатилган, ҳамда энг кўп ҳолат Урганч туманида файд қилиниб, 6 та ҳолатнинг 2 таси қайд қилинган , бу умумий учраш миқдорининг 33,3% ни ташкил қилади.

Ҳудудлар бўйича беморлар сони

Жадвал 2.

N	Ҳудудлар	Учраш миқдори	Ҳисса
1	Хива т	20	16
2	Урганч тумани	20	16
3	Урганч шаҳри	15	12
4	Хазорасп тумани	12	9,6
5	Боғот тумани	11	8,8
6	Кўшкўпир тумани	11	8,8
7	Янгиариқ тумани	10	8
8	Шовот тумани	9	7,2
9	Хонқа тумани	7	5,6
10	Гурлан тумани	7	5,6
11	Янгибозор тумани	2	1,6
12	Тупроққала тумани	1	0,8
13	Жами	125	100

Касаллик тарихларини ва олинган маълумотларнинг патогистологик текширувлари натижаларини тахлил қилинганида, гистологик текширувлар учун йўлланган 125 та оператив материалларнинг 59 тасини (47,2%) фибромиомалар ташкил қилган бўлса, 28 тасини (22,4%) эндометриал карциномалар ҳосил қилган, тухумдон мезенхимал саркомалари 8 та ҳолатда қайд қилинган (6,4%), кисталар ва полиплар 23 та ҳолатда кузатилган (18,4%).Бундан шуни кўриш мумкинки, тухумдон ўсmalarининг катта қисмини Хоразм вилояти ҳудудида яхши сифатли ўсmalar ташкил қилади (60,6%), ёмон сифатли ўсmalar хиссасига эса 36 та ҳолат тўғри келиб 28,8 % ни ташкил қилади (жадвал 3).

Морфологик текширув натижалари

Жадвал 3.

N	Морфологик ташҳис	Сони	Ҳисса
1	Лейомиома (фибромиома)	59	47,2
2	Эндометриал карцинома	28	22,4
3	Тухумдон кисталари/омалар	17	13,6
4	Мезенхимал саркома	8	6,4
5	Полиплар	6	4,8
6	Овариал неоплазия	4	3,2
7	Бошқалар	3	2,4



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, онкологик беморларда ALT/AST ўртача қиймати куйидаги кўринишда бўлди:

ALT: 36–42 U/L

AST: 25–30 U/L

Креатинин: 41–69 мкмоль/л

Мочевина: 4.0–4.6 ммоль/л

Таҳлилдан кўриниб турибдики, кўп беморларда бўлғуси интоксикация ёки сурункали яллиғланиш белгилари мавжуд.

Беморларга ўтказилган операция турлари таҳлил қилинганида касалликни даволаш учун энг кўп бачадон экстирпацияси 38 та ҳолатда (30,4%) ва лапароскопик миомэктомияга (17,6%) мурожаат қилингани аниқланди ва кейинги ўринларда овариэктомия (12%) ва аднексэктомия (9,6%) эгаллаган (жадвал4).

Асосий операция турлари

Жадвал 4.

Операция номи	Сони
Бачадон экстирпацияси	38
Лапароскопик миомэктомия	22
Овариэктомия	15
Аднексэктомия	12
Гистероскопик полипэктомия	10
Циторедуктив онкологик операциялар	8
Бошқа	20

Олинган натижалар муҳокамаси

Ўтказилган таҳлил Оролбўйи ҳудудида гинекологик онкопатологиялар тарқалиши бир қанча хусусиятларга эга эканини кўрсатди.

1. Ёш хусусиятлари: 18–44 ёшда ҳам юқори кўрсаткич кузатишмоқда, бу экологик ва репродуктив рисклар таъсири борлигидан далолат беради.

2. Вилоят ҳудудлари орасидаги фарқлар туманлардаги аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланган: энг юқори кўрсаткич Хонқа ва Янгиариқ туманларига тўғри келмоқда.

3. Морфологик жихатдан : лейомиома ва эндометриал карцинома устун.

4. Биокимёвий ўзгаришлар: ALT/AST кўтаришган ҳолатлар сурункали стрессли қурғоқчилик муҳитидаги аҳолига хос метаболик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

5. Жаррохлик тактикаси: кўп ҳолларда радикал экстирпация асосий усул бўлган.

ХУЛОСА

- Оролбўйи минтақаси экологик хавфли зона сифатида гинекологик онкологик касалликлар кўпайишига таъсир қилмоқда.

- Беморларнинг катта қисми 18–44 ёшда, бу репродуктив саломатликка катта таҳдидир.

- Лейомиома ва эндометриал карцинома асосий морфологик турлар сифатида қайд этилди.

- Биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар экологик стресс ва яллиғланиш ҳолатларини акс эттиради.

- Оператив даволаш усуллари ўрта ва оғир ҳолатларда устунлик қилади.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдихакимов А. Н. и др. Заболеваемость злокачественными новообразованиями и экологическая ситуация в некоторых регионах республики Узбекистан //Экология человека. – 2012. – №. 2. – С. 32-39.
2. Анискина А. С. и др. Генетическая гетерогенность эндометриоидного рака яичников //Онкогинекология. – 2022. – С. 37.
3. Билык Е. А. и др. Морфологические и иммуногистохимические особенности придатков матки у женщин с генетической предрасположенностью к развитию рака яичников //Вопросы онкологии. – 2012. – Т. 58. – №. 4. – С. 507-513.
4. Воробьева О. В. и др. Морфологические особенности рака яичников //Сборник научных трудов молодых ученых и специалистов. – 2018. – С. 135-140.
5. Гарелик Т. М., Наумов И. А. Значение рака яичников в ухудшении репродуктивного здоровья женщин //Современные проблемы гигиены, радиационной и экологической медицины. – 2021. – Т. 11. – С. 317-336.
6. Новиков Ф. В. и др. Морфологические основы гистогенеза опухолей яичника //Опухоли женской репродуктивной системы. – 2020. – Т. 16. – №. 1. – С. 78-84.
7. Ожиганова И.Н. Морфология рака яичников в классификации ВОЗ 2013 года /И.Н. Ожиганова // Практическая онкология. – 2014. – Т. 15, № 4. – С. 143–152

